"Тасдиқлайман" Чуст туман Халқ
таълим бўлими мудир
Қ.Каримов

2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

*(техническое задание)*

## Чуст туман Халқ таълим бўлимига қарашли 7 мактабини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари

БЮРТМАЧИ: Чуст туман Халк таълим бўлими

Чуст тумани-2022

Чуст туман Халқ таълими бўлимига қарашли 7 мактабни иситиш тизимини жорий Таъмирлаш буйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

| № | **Асосий талаблар** *(основный требования)* | **Асосий маълумот ва талаблар** *(основный информация и требования)* |
|---|---|---|
| 1. | Бюртмачи *(заказчик)* | Чуст туман Халк таълими бўлими |
| 2. | Тулов шартлари *(условия оплаты)* | Тулов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида руйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. |
| 3. | Тулов валютаси *(валюта платежа)* | Миллий валюта - сум *(сум)* |
| 4. | Хизмат курсатиш шартлари „ *(условия оказания услуг)* | Техник топшириқдар мижознинг манзилида амалга ошоирилиши лозим. *(согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)* |
| 5. | Етказиб бериш вакти *(срок поставки)* | 2022 йил июн ойининг иккин ун кунлиги |
| 6. | Молиялаштириш манбаи *(источник финансирования)* | Опембюджет |
| 7. | Танлов шартлари *(условия выбора)* | Иловада курсатилган барча шартларнинг бажарилиши. |

"**ТАСДИҚЛАЙМАН**" Чуст
туман Халқ таълим бўлими мудири
__________ Қ.Каримов
"___" ____ 2022 йил

Чуст туман Халқ таълим бўлимига қарашли 7 мактабни иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини

бажариш учун ташкилотни танлаш буйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Чуст туман Халк таълим бўлими

Чуст тумани-2022

# 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ КИЙМАТИ

**1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси**

| № | Бажариладиган хизматлар тури | Микдори |
|---|---|---|
| 1 | 7 мактабни иситиш тизимини жорий таъмирлаш | 1 |

1.2. Танлов климата 388 499 466 (уч *юз саксон саккиз миллион турт юз туксон тукиз минг турт юз олтмиш олти)* сум. Ушбу кийматдан ортик, кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1. Чуст** тумани Халк таълим булими "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Чуст шахар Чарогон куча 56-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда тартибда,белгиланган муддатларда утказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

. 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма мабларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов обектиг'а ухшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;.-уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов обектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг молжалланаётган хажми *(50 фоиздан ком. булмаган холда);* Низом маблаги микдори

3.3 Агар танлов предмета булган ишлар *(хизматлар)ни* бажариш билан боглик фаолиятконунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1 Иштиркчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек тили ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар таркиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикданган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАР ЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан

камида уч кун олдин карор вабул килишга хакли. Товарнии (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси,агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.